

STEREOTYPES OF THE CONCEPT OF HUMAN BEAUTY IN THE SYSTEM OF STABLE ASSOCIATIONS OF UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES

Ibragimova Nigora Islamovna

(Samarkand State Languages Teacher of the Institute)

ABSTRACT

In modern linguistics, concepts are at the heart of scientific research. Currently, there are various interpretations of the concept as it is widely used. From a historical point of view the concept of P. Referring to Abelard's research, the scientist interprets the concept as a fundamental concept. In his view, the concept is a triangle: an empty vessel that needs to be filled - a concept that is born in the human mind - a personal expression, which is formed as an "object created by God." "When we say 'Socrates is running', we are taking the concept [sensus] from speech to be a concept created in someone's mind." [1]

Шундай қилиб, концепт тушунчасининг тарихий талқинларида унинг субъектив шакл сифатида “фақат маънони” билдиришдан тортиб, объектив талқинларигача, “бирликнинг функционал характерига асосий эътиборни қаратиш, айнан шу хусусиятида маданий маълумотни сақлашни ва етказиб беришни” кўриш мумкин.

Концепт мураккаб когнитив қурилма сифатида фаннинг замонавий ривожланиш босқичида аниқ бир талқин ва изоҳга эга эмас. Хозирги даврда концепт фанлараро тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади. Концептнинг кўпчилиги тадқиқотчилар томонидан тан олинган баъзи талқинларини келтириб ўтаемиз.

Концептология доирасида концепт фикр натижасида яратилган конструкция сифатида талқин қилинади, унинг асосини ўзига хос шаклий қурилмаларда мавжуд бўлган реал воқеликдаги предметлар ва тушунчалар ташкил қилади. Масалан, С.Х. Ляпиннинг фикрича, концептлар бу – “маълум бир белги мазмунига, илмий атамага ёки оддий кундалик ҳаётда қўлланиладиган сўзга, мураккаб лексик-грамматик-семантик тизимга эга конструкцияга ёки новербал предметли ҳаракатга бириктирилган интегратив функционал-тизимли характерга эга, кўп қиррали шаклий тузилмадир” [4, 18]. Шундай қилиб, концепт шартли ядровий компонент асосида қурилувчи тушунча доирасида шаклланади ва концепт билан бир қаторда тушунча когнитив борлиқнинг бирлиги деб тан олинади.

В.И. Карасик концепт деганда “у ёки бу тилда шаклан белгиланган, жамият онгида шаклланган кўп қиррали маданий-муҳим ижтимоий-психологик тузилма” ни тушунади [3, 156]. Концептнинг объектив моҳияти А.П. Бабушкиннинг изоҳида қуйидагича келтирилган: “Биз концептнинг жамоавий ондаги ҳар қандай дискрет бирлик сифатида тушунамиз ва у реал ёки идеал дунё предметини акс эттиради ва тил эгаларининг миллий хотирасида вербал белгиланган шаклда сақланади” [2, 222]. Тадқиқотчи концептларнинг турли-туманлигига ишора қилиб, бу хусусият концепт акс эттирадиган реал воқелик фрагментларининг табиати бир хилда бўлмаганлиги натижаси деб тушунтиради.

Когнитив типология фани доирасида инсон фикрлаш фаолиятини тадқиқ қилиш масалалари мумкин қадар осонлаштирилган. Когнитив типология ўрганаётган муаммолар ичида – концептлар вербализациясини ўрганиш ҳам ўрин эгаллайди.

Концептлар бу ментал тизимлар бўлиб, инсон қандай ва нимани ўйлайди, тушунади, гапиради ва тушунтиради каби вазифаларни аниқлайди. Инсоннинг олам билан муносабатидаги бу ва бошқа функцияларини бажариб, мулоқот жараёнида шаклланади ва доимий равишда модификацияланади. Шу йўсинда концептлар объектив характерни касб этиб, инсонларнинг ўзаро тушунишларини амалга оширади. Бироқ ҳар бир инсон борлиқни идрок қилишнинг индивидуал хусусиятига эга бўлиб, маълум бир ижтимоий ва маданий муҳитда яшайди, бунинг натижасида турли инсонлар томонидан бир концепт субъектив параметрларга кўра характерланади.

Бу асос лингвистика ва типологияни яқин бўлган фанларга мурожаат қилиб ўрганилаётган концепт – “Гўзаллик” – концептнинг онтологик асосларини таҳлилини олиб боришга ва гўзаллик мазмунини тушунилиши хусусиятларини ўрганиб чиқишга тўртки бўлди.

“Гўзаллик” концептнинг турли аспектларига талайгина лингвистик тадқиқотлар бағишланган. Бу, албатта, табиийдир, чунки ушбу концепт муҳим, мазмун жихатидан ҳаётий, телеоном (С.Г. Воркачёвнинг талқини бўйича) концептлардан биридир. Шак шубҳасиз бу концептнинг тадқиқига ҳали анчагина илмий тадқиқотлар бағишланади деган фикрдамиз. Шу боис мазкур концептнинг турғун бирикмалардаги ўзига хослигини бугунги мақоламизда таҳлил қилишни мақсад қилдик.

Ўзбек ва инглиз тилларида объектларнинг гўзаллигини бериш учун қиёслашлар қўлланилиб, уларнинг ядросини қуйидаги кўриш образлари ташкил қилади: инсон сифатидаги мавжудотлар (эртак қахрамонлари, худолар, маълум ижтимоий синфга кирувчи инсонлар); 2. Инсон қўли яратилган ижод махсули: моддий (кундалик ҳаёт жихозлари ва б.) ва мукамал махсулотлар (санъат асарлари: мусиқа, рассомчилик, адабиёт, кино, хайкалтарошлик); 3. Инсон фаолияти (одатий, ижтимоий-шартли); 4. самовий жинслар, қуёш, ой, юлдузлар ва улар билан боғлиқ бўлган фасллар ва даврий қисмлар; 5. Табиат (пейзаж ва уни ташкил қилувчилар, ўсимликлар, ҳайвонот олами); 6. Моддалар (табиий ва сунъий химик тузилмалар). Икки тилда ҳам кўриш орқали қабул қилинадиган образлар, гўзаллик билан қиёсланадиган оборотларни юқорида ажратиб кўрсатилган маъновий гуруҳларга бўлиш мумкин.

Тилнинг лингвокогнитив ўзига хосликлари ва унинг лингвомаданий тузувчиси тил эгаларининг лисонида юқори даражада ўз аксини топади. Бу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, қиёсий конструкцияларни аёллар ва эркаклар ташқи кўринишининг ифодачиси сифатида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин, яъни уларнинг юзи, тери ранги, сочлари, қадди-қотмати (тана тузилиши, юриши, ҳаракатлари, кийимининг ўзига хослиги).

Юз. Инсон гўзаллигини акс эттирувчи матнлар таҳлили жараёнида икки тилда ҳам намоён бўлувчи гўзалликни белгиловчи қуйидаги сифатларга дуч келдик. Аёллар, қизлар ва йигитлар гўзаллиги уларнинг юзи, лаби, терисининг ранги орқали берилади, яъни юмшоқ тўқималар. Эркакларнинг гўзаллигини эса уларнинг юз қисми, яъни бурун, ияклари тасвири орқали шакллантирилади. Кўз характеристикаси ҳам аёллар, ҳам эркаклар тасвирида мавжуд. Аёллар образида гўзал кўз унинг катталиги ва узун кичриклари каби сифат баҳоланишлари характеристикаси берилади.

Юз ва терининг тасвирланишида Европада “сутдек оқ” (ранги ўчган, рангсиз эмас) сифат юқориноқ бахоланади. Бироқ ўзбек тилида бу хусусият юздаги қизиллик орқали тасвирланиб, гўзалликнинг бор ифодаларидан биридир, юздаги қизиллик аксар холларда саломатлик белгиси ҳисобланади: гўзал қизнинг юзидаги қизиллик, юзи қизил олмадек.

Келтирилган қиёслашларда гастронимик омил устунлик қилмоқда, яъни “аёл – тотли, маззали” метафораси. Ўзбек тилида гўзалликнинг алоҳида кўриниши сифатида сутдек опшоқлик ва юзидаги нимқизиллик уйғунлашганлиги белгилари ҳисобланади.

Гастронимик метафоранинг яна бир мисоли сифатида “қаймоқдек опшоқ” тасвирини ҳам келтириш мумкин.

Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романида хон хотинининг тасвири келтирамиз: Жияклик атлас кўйлак, Бухоро кундалигидан желатка, бошига санама рўймол ўраган ўттуз беш ёшлар чамалиқ бу хоним – Хоннинг мўтамад хотини Оғача ойим ва шаҳзода эса хоннинг суюклик ўғли – Ўрмонбек эди. Оғача ойимнинг **хитой хонимлариникига ўхшап қора бодом кўзи** ва умуман сиймоси Туркистон қизи эмаслигини айтиб турар, бироқ тилида бегоналик сезилмас эди. Оғача ойимнинг асли исми Масуда хоним, аммо “Оғачаойим” деб машҳур бўлиши унинг қашқар қизи бўлганлигидандир. Уйғурлар биздаги “хоним”, “бекач” дейиш ўрнида “оғача” дейдилар. Масуда Ўш атрофида турғун бўлган уйғурлардан Ибодуллахўжа деганининг қизи, Худоёр ўзининг иккинчи давлатида бунга уйланган эди [5].

The woman of 35 who sat at the praying-mat and caressed the boy was dressed in the satin dress, jacket made from Bukhara satin and embroidered kerchief, was the highly respected Ogacha, the Khan`s wife, and the boy was Khan`s most favourite son – Umarbek. Ogacha – Ayim had a bit slanted eyes, which resembled the eyes of a Chinese woman. All her appearance had plainly shown that she isn`t a daughter of Turkestan. Her speech however didn`t have even a slightest hint of the accent. Her real name was Masuda- Khanim, but she was more known as Ogacha – Ayim. She was from Kashgar. Uyghurs say “Ogacha” instead of our “Khanim, bekach”. Masuda was the daughter of Ibadullakhodja, the Uyghur who lived in the vicinity of Osh.

Юзнинг тиниқлигини, соғломлигини ва ундаги нимқизилликнинг борлигини гулларга қиёслаган холда ҳам тасвирлайди: атиргулдек нозик, лоладек қизил, баҳор гулларидек гўзал ва б. инглиз лингвомаданиятида эса қуйидаги қиёслашлар ишлатилади: pink as wild roses, as a magnolia; as fresh as a daisy; beautiful like poppies. Гулларга қиёслаш ўзбек тилига қараганда инглиз тилида кўпроқ учраши билан бир қаторда жуда ҳам қамровли ўзига хос белгилар орқали тасвирланади: beautiful as is the rose in June, as a [open crocus] flower, floweret gay, a buttercup, a crane`s-bill, a daffodil, a daisy, a lily [of the valley], a windflower; fresh as apple blossoms, April grass ва б.

Худди ўзбек тилидаги каби инглиз лингвомаданиятида ҳам “аёл – нозик, нафис гул”га қиёсланади. Масалан:

Anyway, she looked as **beautiful as a rose** in her tube dress, arching her neck, turning her flowerlike head, pouting professionally, smiling [7].

(Нима бўлганда ҳам у ўзининг қоматига ёпишиб турувчи кўйлагида атиргул мисоли гўзал кўринар, қувлик ила лабларини аразлаган каби иширар, жилмайиб, худди гул ғунчаси каби нозик бошини буриб қарар эди).

Балким айнан шу каби метафоралар ва флористик йўналишдаги ўхшатишлар сабабли лабнинг гўзаллигини гул билан қиёслаш кенг қўлланилади: Lips like lilies, like the petals of a red flower, red as two buds, pink and sweet as a magnolia [9].

Ўзбек лингвомаданиятида ҳам лаблар гўзаллиги гулларга қиёсланади.

Инглиз лингвомаданиятида гўзаллик образининг яна бир қизиқ деталига дуч келдик – предметнинг юза қисмининг ялтираши. Бу инглиз лисоний онгида гўзаллик тимсоли объект юза қисмининг силлиқлиги асосида тушунилади. Бу сифат, ўзбек лингвомаданиятида гўзалликнинг зарурий тимсоли сифатида хизмат қилмайди. Инглиз лингвомаданияти бу тимсол қуйидаги тасвирлар орқали берилади: журналлар юзидаги фотомоделлар лабларнинг ялтираб туриши - lips that shine wetly, just like a Cosmo girl (Cosmopolitan журналида); нам гилос меваси - lips like wet cherries; кечки кўчаларнинг ёмғирдан кейинги намлиги - lips shining like rain on night streets. Сочларни тасвирланишида ҳам гўзаллигига урғу бериш учун ялтираш белгиси алохида ажратиш кўрсатилади: hair, black and shining like mica [9] [слюда (шаффоф минерал) каби ялтираб турувчи, қора сочлар; hair, black as a seal's wet fur [9] – денгиз мушугининг жилоланиб турувчи, ялтироқ териси каби қора сочлар.

Ўзбек лингвомаданиятида ранглар жилосига урғу берилса ҳам объектнинг ялтироқлиги гўзаллик тимсоли сифатида таърифланмайди: қор каби опшоқ, сутдек оқ, қаймоқдек оқ, симобдек қора сочлар, лоладек қизил лаблар, тиллоранг сочлар ва б.

Эркаклар гўзаллигининг характеристикаси икки тилда ҳам ўхшашдир, асосий урғу уларнинг юз қисмлари, яъни бурун, иякка берилади: Tanner Kingsley was in his forties, tall and handsome, with steely blue eyes that blazed with intelligence. He had a **Roman nose**, a **strong chin**, and a profile that could have graced a coin (S. Sheldon) [Таннер Кингсли, бўйи баланд, қирқларга кирган виқорли йигит, мовий кўзлари худди темирдек ялтираб турувчи, римликларга хос бўлган бурун шакли, тўртбурчак ияги ва қадимий тангаларда акс эттириладиган профилдагидек бежирим юз шаклига эга].

Иккала тилда ҳам тўғри бурун (straight nose) ва бир оз қаншари билан бўлган бурун, қирғий бурун эркак кишининг келишганлигидан далолат беради (a Roman nose): It was time to rub that **handsome Roman nose** of his in the dirt (S. Marton).

Инглиз лингвомаданиятида кўзларнинг гўзаллигини аксар холларда ранглар воситада тасвирлаш кузатилади, асосий урғу кўк ва яшил рангларга ва уларнинг турли жилоларига берилади: like sky, heaven, blue star, like harebells wet with dew, like a harebell, bluebell, a violet, dark blue pansies, forget-me-nots, a chicory in bloom, corn-flowers, a flax, a sapphire, a wave, azure [85] ва б. Ж. Селлинжер романларининг бирида бош қахрамон ўз севгилиси билан бўлган муносабатларига яқун яшагга қарор қилган вақтда доимо муносабатларнинг бошланишини эслайди ва надомат ила хайқиради: “Rose my color is white, Pretty mouth and **green** my eyes.” “Christ, it’s embarrassing — it used to remind me of her. She doesn’t have green eyes — she has **eyes like goddam sea shells**, for Chrissake — but it reminded me anyway...” [7]. Ушбу келтирилган мисолдан ташқари Ж.Селлинжернинг

“Uncle Wiggily in Connecticut”, “For Esme — with Love and Squalor”, “Pretty Mouth and Green My Eyes” каби асарларида ҳам кўзлар гўзаллигини айнан яшил ранг тимсолида тасвирлаган холатлари учрайди. Инглиз адабиётида яшил кўзларни эртақ қахрамонлари, афсонавий қахрамонлар ёки мушуклар кўзларига ўхшатиш орқали ҳам тасвирлашни учратамиз: (cat, lynx): “What is she like?” «Attractive - with eyes like a water-nymph’s». (J. Galsworthy) [У қанақа? - Жуда гўзал, кўзлари худди сув парисиникидек]; She flung back her veil, for the first time revealing a pair of **remarkable green eyes, set at a slant like a cat’s or lynx’s** (P. Hill) [У, биринчи марта юзидаги харир тўрни кўтариб, ўзининг ажойиб худди мушук ёки силовсиникига ўхшаш кўзларини намоён қилди].

Ўзбек лингвомаданиятида кўзлар гўзаллигининг рамзий ранги қора бўлиб, уни тунга (тундек қора), қўмирга (қўмирдек қора) ўхшатиб, кўзлар шаклини гўзал хайвонларнинг кўзларига ўхшатилади (оҳуникидек кўзлар).

Бундан ташқари юз гўзаллигини тасвирлашда ўзига хос эътибор қошларга, уларнинг шаклига, киприкларга ҳам берилади. Инглиз лингвомаданиятида қошлар шаклининг гўзаллигига алоҳида урғу берилиб, уларнинг шакли тасвирланади, яъни қошларнинг узунлиги, киприкларнинг узунлиги ва қалинлигига эътибор қаратилади, аксар холларда хайвон гўзаллигига ўхшатиш қўлланилади: her eyes were **like a butterfly’s gorgeous wings** [82] [унинг кўзлари худди капалакнинг қанотларидек гўзал эди]; black eyebrows going up **like a pair of swallows** [9] [қора қошлари худди икки қалдирғочдек икки томонга ёйилган эди]. Ўзбек лингвомаданиятида қошлар гўзаллиги рамзи сифатида камон олинади (қошлари камондек).

Қуйида машхур ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидан аёллар тасвирини келтираамиз:

Кумуш тасвири

Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турлик томониға тартибсиз суратда тўзғиб, кўзлари жинггила киприк остидағи **тимқора кўзлари** бир нуқтаға тикилган-да, нимадир бир нарсани кўрган каби... **қоп-қора камон**, ўтиб **кетган нафис**, **қийиғ қошлари** чимирилган-да, ниманидир бир нарсдан чўчиган каби... тўлған **ойдек ғуборсиз оқ юзи** қизилликға айланган-да, кимдандир уялган каби... Шу вақт кўрпани қайтариб ушалган оқ нозик қўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиатнинг ниҳоятда уста қўли билан кўндирилған қора холини қашиди ва бошини ёстиқдан олиб ўлтурди. Сарик рупох атлас кўйнакнинг устидан унинг ўртача кўкраги бир оз кўтарилиб турмоқ-да, эди. Туриб ўлтурғач бошини бир силкитди-да, ижирғаниб қўйди. Силкиниш орқасида унинг юзини тўзғиган соч толалари ўраб олиб жонсўз бир суратка киргизди. **Бу қиз суратида кўринган малак** қутидорнинг қизи - Кумушбиби эди [5].

Here, on the high bed, in the piles of feather pillows and blankets, satin, or too lazy for the cold, or for some other reason, opening her eyes, a girl lies. On the pillows in disarray sprawled her black hair, coal-black eyes from beneath her long eyelashes, as if noticing something, looking at one point...Blue-black, extremely thin arched eyebrows knitted, as if she was disturbed by something...cheerfully bright face lightly touched by bashful blush... At this time, she, throwing off the blanket, touched with her delicate hand the white black mole extremely planted by nature to the left of the elegant spout, and sat down, lifting her head from the

pillow. In an over-cut dress of yellow satin, her small breasts were lightly noticed heaving. Sitting on the couch, she lifted her head and shudered all over. Her face and disheveled hair, gave a charming view of her entire appearance as if it was a framed picture. This Angel, embodied in the image of the girl was Qutidor's daughter - Kumush Bibi.

Зайнабнинг опаси Хушрўйбибининг тасвири

Хушрўй узун бўйлик, қотмароқ ва зарча танлик эди. Зайнаб қисқа бўй, гўштдор ва оқ танлик эди. Хушрўйнинг ҳаракати енгил ва лавзи тез эди. Зайнаб лоппос ва ўнта сўзга аранг битта жавоб қайтарадирған эди. Хушрўйнинг кўзи ўйнаб, ҳар секундда аланглар эди [5].

Hushroy was tall, thin and brown; Zaynab was short, stout, whitish. Hushroy was nimble, quick tempered. Zaynab was bulky, so slow that answered questions one in ten. Hushroy with her lively eyes looked around every minute.

Зайнаб ва Хушрўйнинг солиштирма тасвири

Синглиси бўлса биров билан бетма –бет келиб сўзлашканида ҳам кўзини ҳамиша бир нуқтадан узмас еди. Хушрўйга болалик чоғидаёқ уй ичи ва кўни-кўшни “шаддод” деб исм берганлар, чунки ул кимдан бўлса бўлсин, айтганини қилдирмай қўймас, агар бирорта иш унинг тилагига тескари келса шовқин-суронни худди бошига кийиб олар эди. Шунинг учун Хушрўйнинг раъйини билмасдан қозон осилмас, ул бор жойда қадам ҳам саналиб босилур эди. Зайнаб эгачисининг аксича ўз яқинларидан “писмиқ” деб исм олған, онаси бўлса аччиғи чиққанида “минғаймас ўлгур” деб уни қарғар эди [5].

Zaynab always fixed her eyes on the ground even when she had a face to face talk. From her early childhood Hushroy was named “a tyrant” by her relations, because she always stuck to her words and had everybody do what she wanted, otherwise she raised general alarm and set up a clamour. That was why, no meal was prepared, no talk was talked, and no step was made without her consent. On the contrary Zaynab was stuck a nickname of “clandestine”, at times getting angry her mother would curse her: “damn you, silent”.

Ўзбек ойим тасвири:

Ўзбек ойим тўйга борайдурғон хотинлардек ясанган, эгнидаодими хон атлас кўйнак, бошида оқ шохи дакана, кўзида сурма эди.

Uzbek-oyim dressed up as if she was going to a wedding party, putting khan atlas dress on, rich white turban on her head, darkened her eye shadow with surma.

Хулоса ўрнида таъкидламоқчимизки, инсон онггидаги гўзаллик ҳақидаги тасаввурларни шахсларнинг “гўзаллик” концептини тушунишлари билан боғлаб ўрганиш лозим. Тил бирликларнинг семантик нуқтаи назардан тахлили асосида лингвомаданий концептни тилнинг лексик қатламида синонимик, антонимик, сўз ясовчи ва бошқа алоқалар орқали турғунлашишини тахлил қилиш имкони туғилади.

АДАБИЁТЛАР

- 1) Абеляр П. Теологические трактаты / П. Абеляр / Пер с латыни, коммент., введ.ст., сост. С.С. Неретиной. – М.: Гнозис, 1995. – 411 с.
- 2) Бабушкин А.П. Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка, их личностная и национальная специфика: Дис...д-ра филол. наук / А.П. Бабушкин. – Воронеж: Изд-во ВГУ, 1997. – 399 с.
- 3) Карасик В.И. Субкатегориальный кластер темпоральности [к характеристике языковых концептов] / В.И. Карасик // Концепты: научные труды Центроконцепта. – Вып. 2. – Архангельск: Изд-во Поморского государственного университета, 1997. – 171 с.
- 4) Ляпин С.Х. Концептология: к становлению подхода / С.Х. Ляпин // Концепты: научные труды Центроконцепта. – Вып. 1. – Архангельск: Изд-во Поморского государственного университета, 1997. – 135 с.
- 5) Қодирий А. Ўткан кунлар. Тошкент: Шарқ, 2005 – 290б.
- 6) Oxford Dictionary & Thesaurus. – Oxford: Oxford University Press, 1995. – 1892 p.
- 7) Salinger J. D. For Esme — with Love and Squalor. Boston-New-York – Toronto – London: Little, Brown and Company, 1981. – 132p.
- 8) Salinger J. D. Nine Stories. Санкт-Петербург: КАРО, 2015. – 285с.
- 9) The Concise Oxford Dictionary. – Ed. by Sykes J. B. – Oxford: Oxford University Press, 1992. – 1312 p.